

4-iyul
2024-yil 27 (1077)



АХШР

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

21asr.uz | XXI_asr@mail.ru | @XXIasr_yangiliklari | XXIasrgazetasi | asr_xabarlari_news | Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

Париж-2024:
ОЛТИН МЕДАЛ ОЛГАНГА
200 МИНГ ДОЛЛАР МУКОФОТИ!

26 июлдан 11 августгача Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтадиган ёзги Олимпиадада олтин медални қўлга киритган спортчиларимизга **200 минг доллар**, кумуш медал эгасига **100 минг доллар**, бронза соҳибига эса **50 минг доллар** пул мукофоти берилади.

Шунингдек, мураббийлар ҳам мос равишда **50 минг, 25 минг ва 12,5 минг доллар**дан мукофот пуллари олишади. Спортчиларимизга омад ёр бўлсин!

ИМКОНИАТ



АГРАР СОҲАДА

БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ САМАРАЛИ БЎЛМОҚДА



3

АДЛИЯ НЕГА СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛДИ?

4



5

ФРИЛАНСЕРЛИК: ИШСИЗЛИККА БАРҲАМ БЕРИШИ МУМКИН...МИ?!

...Фрилансерлик бугунги кунда меҳнат турларининг энг замонавий шаклларидан бири ҳисобланади. Уйда ўтирган ҳолда мижозларга ўз маҳсулоти ёки хизматларини таклиф этиш эвазига даромад топиш уларнинг асосий йўналиши ҳисобланади.

ЭЪТИРОФ

Антониу Гутерриш, БМТ Бош котиби:

...Жуда кўп инсонлар Марказий Осиёни дунё цивилизациясининг чорраҳаси деб атайдилар. Менимча, бу янглиш фикр. Мен Марказий Осиёни дунё цивилизациясининг маркази деб биламан. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Самарқанд ва Бухорога боришнинг ўзи кифоя қилади.

Шу ўринда Президент Шавкат Мирзиёевни фаолияти давомида минтақадаги кўприк ўрнатувчи ташаббускор, тинчлик элчиси десам муболаға бўлмайди. Айни вақтда адолатга асосланган фаровонликни ташкил қилиш ва уни ўрнатиш бўйича жуда фаол иш олиб бормоқда. Бу Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларига тўла уйғун.



КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ

БИЗ ВАҚТНИ ЭМАС, ВАҚТ БИЗНИ ҚУВСИН

2



Жамоатчи, спортчи, олима, шоира, O'zLiDeP фаоли...
Жиззахлик маслақдошлар

Шахло Ҳошимовага

ана шундай таъриф беришади. Бу шунчаки, машҳур кинофильмдан олинган ва тилдан тилга кўчиб юривчи иборага ўхшатма эмас, балки Шахлонинг қўлга киритган ютуқ ва муваффақиятлари эътирофи аслида.

6

АЗИЗ ТЎРАЕВ:

ДУНЁНИ ИҚТИСОДИЁТ ҚУТҚАРАДИ, МАЪНАВИЯТ ҲАМ!



...Бир зиёли ёки шу соҳанинг қаттиқ нонини татиб юрган олим сифатида айтмоқчиманки, одамларни маънавиятга қилишнинг бирдан-бир йўли – КИТОБ ЎҚИТИШ! Бошқа чораси йўқ.

O'zLiDeP СИЁСИЙ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИДА

ФАОЛИЯТНИ ЯНГИЛАМАСДАН БУГУНГИ КУН ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРИБ БЎЛМАЙДИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия ҳудудий кенгашлари раҳбарлари ва фаоллари иштирок этди.



Йиғилишда мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар янги сифат даражасига чиқанига урғу берилди. “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида белгилаб олинган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун, аввало, барча кучлар бирлашиши зарурлиги таъкидланди. Шундай муҳим бир паллада ислохотлар учун масъулиятни зиммасига олган сиёсий куч сифатида O'zLiDeP ўз фаолиятини бугунги кун талабларига жавоб берадиган тарзда йўлга қўйиши, хусусан, айрим йўналишлардаги фаолиятини қайта кўриб чиқиши лозимлигига эътибор қаратилди.

Айниқса, иштирокчиларнинг фикрига кўра, ўтган йили мамлакатимизда янгиланган Конституциянинг қабул қилиниши билан шакланган ижтимоий-сиёсий муҳит етакчи партиядан янгиланиши, бугунги давр даражасига чиқишни талаб қилмоқда. Ишни ана шу мезонларга мос равишда йўлга қўйиш учун сиёсий кучнинг ҳар бир тузилмаси фаолиятини тубдан ўзгартириши, аҳолига янада яқинроқ бўлиб, муаммоларни имкони борича



тезроқ ўз жойида ҳал қилиши лозимлиги айтилди.

Албатта, ушбу жараёнларда муносиб иштирок этиш биринчи

навбатда партиянинг марказ ва ҳудудлардаги тузилмаларини янада оптималлаштириш, уларнинг фаолиятини жаҳон андозаларига мос

равишда йўлга қўйишни талаб қилади. Мажлис иштирокчилари томонидан O'zLiDePнинг янги асосда шакллантирилган марказий ва ҳудудий тузилмалари бўйича таклифлар ўртага қўйилди ва атрофлича муҳокама қилинди.

Мажлисда кейинчалик партия олий органида тасдиқлаш шартли билан партия Сиёсий Кенгаши ва унинг Ижроия қўмитаси таркибига ўзгартиришлар киритиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Тадбирда партия фаолиятида рақамлаштириш жараёнларини янада фаоллаштириш ва партия коллегиял бошқарув органлари ва коллатларини такомиллаштириш хусусидаги таклиф ва тавсиялар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Мажлисда кўриб чиқилган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

O'zLiDeP матбуот хизмати

Суратларни Сафдор АМИНЖОНОВ олган.

КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ



БИЗ ВАҚТНИ ЭМАС, ВАҚТ БИЗНИ ҚУВСИН

Ўзаро гурунг, ҳангомаларда ёшлар ҳақида гап очилиб қолса, кимдир ёшларнинг андак бебошлиги, дангасалигидан нолиса, кимдир аксинча, улар қўлга киритаётган ютуқларни фахр билан тилга олади. Қувонарлиси, фахрланаётганлар мисолни узоқдан эмас, атрофдан, маҳаллаларидан келтиришади. Чунки сўнгги йилларда ёшларга давлат миқёсида берилаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар сабаб, ҳатто энг чекка ҳудудларда ҳам фаол йигит-қизлар сафи йил сайин ўсиб бормоқда.

Жамоатчи, спортчи, олима, шoirа, O'zLiDeP фаоли... Жиззахлик маслакдошлар Шахло Ҳошимовага ана шундай таъриф беришади. Бу шунчаки, машҳур кинофильмдан олинган ва тилдан тилга кўчиб юрвчи иборага ўхшатма эмас, балки Шахлонинг қўлга киритган ютуқ ҳамда муваффақиятлари эътирофи аслида.

Асл иқтидор кўп қиррали бўлади, деган гапда жон бор. Шахло Ҳошимованинг турли соҳаларда қўлга киритаётган ютуқлари билан танишган киши бу фикрга қўшилмай иложи йўқ. Тўғри-да, лицейда ўқиб юрган кезларида илк бадий машқлари билан кўпчилик эътиборини тортган ёш ижодкорнинг кейинчалик “Атиргулим”, “Кўзумноқ” номли шеър ва ҳикоялар тўплами чоп этилди. Спортнинг яккакураш тури билан шуғуллана бошлаганида кўпчилик буни шунчаки болалик ҳавасига йўйган эди. Бироқ бу ерда ҳам қизгина ўз иродасини намён қилди. Тазквондо ITF бўйича Ўзбекистон чемпиони, I даражали қора белбоғ соҳибаси бўлди.

Гарчи хорижда, жуда бўлмаганда пойтахтдаги олий таълим даргоҳларида ўқишни давом эттириш имкони бўлса-да, оилада ёлғиз фарзанд бўлгани учун, ота-онасидан узоқлашишни истамайди. Жиззах политехника институтининг дастлаб бакалаврият, сўнг магистратура босқичини тамомлади. Устозлари кўмагида илмий изланишлар олиб борди.

“Янги Ўзбекистон: илм қалдирғочлари – 2022” I республика кўрик-танловида “Минерал ва кимёвий кўшимчалардан фойдаланиб тайёрланган янги авлод бетонлари, қурилиш материаллари ва конструкциялари” номинацияси бўйича фахрли III ўринни қўлга киритди. 2022 йил “Худуднинг 100 нафар ихтирочи аёли” ҳафталиги доирасида ташкил этилган “Ихтирочи аёл – 2022” танловининг “Энг яхши бизнес лойиҳа” номинацияси ғолиби бўлди.

Айни пайтда ўзи таҳсил олган

олий ўқув юртининг “Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш” кафедраси ассистенти. Шу билан бирга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш ва уларни тилга кўчиб юрвчи иборига ўхшатма эмас, балки Шахлонинг қўлга киритган ютуқ ҳамда муваффақиятлари эътирофи аслида.

Одатда ўзаро суҳбатларда кўз очиб юмгунча ўтиб кетаётган вақтнинг тезкорлиги ҳақида кўп гапиримиз. Кўзлаган режаларимизни бажаришга фурсат етмаётганидан нолийимиз.

– Биз вақтни эмас, вақт бизни қувсин, – дейди Шахло Ҳошимова. – Инсон ўзи севган иши, танлаган касбига меҳр берса, яқинлари унинг қизиқиш, интилишларини қўллаб-қувватласа, ҳамма нарсани уддаласа бўлади. Шу сабаб ота-онамдан, устозларимдан, менга яқиндан кўмақдош O'zLiDePдан жуда миннатдорман. Юртимизда юксак марраларга интилаётган ёшлар доим эътиборда.

Хабарингиз бор, яқинда 30 июнь – Ёшлар куни муносабати билан Президентимиз фармонида кўра, ўзининг юксак азму шижоати, билим ва салоҳияти, истеъдод ва қобилиятини намён этиб, турли соҳаларда эришган ютуқлари билан Янги Ўзбекистонимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ ташаббускор ва етакчи ёшлар “Келажак бунёдкори” медали билан мукофотланди. Улар орасида Шахло Ҳошимова ҳам бор.

Эътироф катта масъулият юклайди. Шахло Ҳошимова ўз зиммасидаги масъулиятни доимо чуқур ҳис қилиб, фақат олдинга интилиб яшаётган партияимиз фаолларидан. Демак, эндиликда икки ҳисса ошган дахлдорлик ҳисси фаолиятини янги марраларга ундайверади.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” муҳбири

ҲАШАР – ЭЛГА ЯРАШАР

ЖИЙДАЛИКЛАР ТАШАББУСИ

Кўприк ва йўл қуриш халқимизга хос азалий одатлардан саналади. Айниқса, одамларнинг узоғини яқин қилиш, юрак йўллариини обод этишдан кўра яхши амал йўқ асли бу дунёда.

Яккабоғ туманидаги Жийда қишлоғи аҳли савобли ишга бош қўшди. Эл кайвонилари, маҳалла-қўйдаги фаоллар бамаслаҳат ҳолда ҳашар йўли билан уч километрлик пидедалар йўлаги қуришди!

Энди катталар ишга, болалар мактаб ва боғчага боришда қийналишмайди. Аввалгидек, қишда лой, ёзда тупроққа беланмайди. Энг қулай томони, ҳаракат хавфсизлигига ҳам халал беришмайди, техникалар бемалол ўтиб қайтади.

– Каттаю кичик ўз хоҳиши билан ҳашарга чиқиб, ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшди, – дейди шу қишлоқ фаоли, жонқуяр инсон Зайниддин Маҳмадалиев. – Биров сув келтирди, биров цемент қорди, бири қум-шағал ташиди, яна кимдир жой ҳозирлади. Аёллар таом ва чай тайёрлаб, дастурхонни безашди, дўкон эгалари муздек чанқоқбосди ичимлик ва

музқаймоқлар билан ҳашарчилар кўнглини олишди, чин дилдан эҳсон қилувчилар қўйлар сўйишди. Энг қувонарлиси, иш ва ташвиш билан бўлиб, бамайлихотир суҳбатлашишга вақт тополмайдиган ҳамқишлоқлар бир дастурхон атрофида жам бўлишди, дилдан суҳбат қуришди.

Зайниддин ака гап орасида “Энди, кўнглимдаги бир гапни айтмасам бўлмайди. Ўзлари қаттиқ тайинланган бўлса-да, лекин мана шу ибратли ишларда беминнат кўмак берган айрим саховатпеша йигитларнинг номларини барибир айтишим керак. Нега десангиз, бу бошқаларга ҳам намуна бўлади-да”, дея ака-ука Зоҳид, Ақром, Адҳам Хушвақтовлар, Тошқин Бўриев, Анвар Раҳимов, Иззатулла Эрназаров, Абдумалик Имомов ва бошқаларни самимий ҳурмат-эҳтиром билан тилга олди.

Заҳробону ЖўРАҚУЛОВА



